

Ўзбекистон Республикаси номидан
Protected by PDF Anti-Copy Free

2019 йил 29 ноябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди ўз биносида очик сул мажлисида, раислик қилувчи К.Хидиров, судья ёрдамчиси Х.Умбаровнинг иштирокида, томонлардан Ангор туман прокурори катта ёрдамчиси [REDACTED] идов судланувчи [REDACTED] нинг ҳимоячиси “[REDACTED] в Собир Мамасолиевич” адвокатлик фирмаси адвокати Т.Ғаффорованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410-моддаси 3-қисми тартибида судланувчи [REDACTED] нинг иштирокисиз 1-1903-1901/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра;

[REDACTED] 1974 йил 19 апрель куни Афғонистон Ислом Республикасида туғилган, миллати афғон, маълумоти ўрта-махсус, оилалик 4 нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, ишламайди, Афғонистон Ислом Республикаси, [REDACTED] да яшайди, ушбу жиноят иши бўйича унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 13 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Суд, гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, таҳлил ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси [REDACTED] [REDACTED] Афғонистон Ислом Республикаси, Қундуз вилоятида яшаб келиб, 2019 йил апрель ойида дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда 1 дона жигарранг, специфик ҳидга эга бўлган “опий” гиёҳвандлик воситасини қўлга киритиб, 2019 йил 22 октябрь куни гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан божхона чегарасидан ўтказиш таъқиқланганлигини била туриб, Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига боришдан аввал гиёҳвандлик воситасини ўзи билан бирга Афғонистон Ислом Республикасидан олиб келиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона назоратидан яшириб олиб ўтишни режалаштирган.

██████████ мазкур гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан яширинча олиб ўтиш мақсадида 2019 йил 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига келишидан аввал ўзининг эғнидаги тўқ яшил рангли нимчасининг ички чап чўнтагига рангсиз целофанга ўраган ҳолда беркитиб, Ўзбекистон Республикасига ўтиш мақсадида Афғонистон Ислом Республикасининг “Хайратон” чегара масканидан ўтиб, Ўзбекистон Республикасига “Айритом” масканига келган.

2019 йил 22 октябрь куни соат 14:00 ларда “Айритом” божхона постида Афғонистон Ислом Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш мақсадида постнинг “кириш” залига кириб келган Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси ██████████нинг юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унинг эғнидаги тўқ яшил нимчасининг ички чап чўнтагидаги рангсиз целофанга ўралган 1 дона жигарранг, специфик ҳидга эга бўлган “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 2019 йил 23 октябрдаги 168-сонли экспертиза хулосасига кўра, ██████████нинг эғнидаги нимча чўнтагидан аниқланиб олинган ўзига хос ҳидли, тўқ жигарранг, қаттиқ модда “опий” гиёҳвандлик воситаси бўлиб, унинг вазни 0,35 граммга тенг эканлиги аниқланган.

██████████ ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Судланувчи ██████████ ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлмаганлиги ва Афғонистон Ислом Республикаси кетганлиги сабабли топишнинг имкони бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410-моддасида ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ушбу Кодекс 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси ██████████ни ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида жиноий жавобгарликка тортиш учун шахсни бериш тўғрисида шартнома тузилмаганлиги, уни Ўзбекистон Республикасига экстрадиция қилиб суд мажлисига олиб келтиришнинг имконияти йўқлиги сабабли ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Гувоҳ М.Қораев суд мажлисида, 2019 йил 22 октябрь куни божхона ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишни илтимос қилишганлигини, бўш вақти бўлганлиги сабабли уларнинг таклифига рози бўлганлигини, шу куни соат 14:00 ларда “Айритом” чегара божхона

постида Афғонистон Ислом Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун “Айритом” чегара божхона постининг кириш пиёдалар залига кириб келган Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси [REDACTED]

[REDACTED]нинг қўл юзлари божхона назоратидан ўтказилганда, унинг эгнидаги тўқ яшил рангли нимчаси ички чап чўнтагидаги рангсиз целофан ичига ўралган 1 дона жигар [REDACTED]ни ўзига ҳос ўткир ҳидли гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда бо [REDACTED] аниқланганлигини, ушбу аниқланган ҳолат юзасидан божхона [REDACTED] кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси тузиш ҳаракатини амалга ошириш ҳамда бошқа процессуал ҳужжатлар расмийлаштириш учун ўзи, иккинчи ҳолис, таржимон ҳамда [REDACTED]ни Айритом чегара божхона пости маъмурий биносининг алоҳида хонасига олиб кириб, ўзларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳаракатини амалга оширганлигини, божхона ходими кўздан кечириш ва олиб қўйиш давомида божхона постида мавжуд бўлган “Sartorius” номли электрон тарозида аниқланган ашёни ўлчаганда унинг соф оғирлиги 0,40 граммни ташкил этганлигини ва у кўздан кечирилиб, қоғоз конвертга солиниб, божхонанинг 146-рақамли думалоқ муҳри билан муҳрланганлигини, ушбу ҳолат юзасидан тузилган барча ҳужжатларга ҳолис сифатида қатнашиб имзо қўйиб берганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Дусмуратов суд мажлисига, гувоҳ М.Қораевнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED]нинг айби, ўзининг терговда берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишининг иш.вар. 6-10-даги божхона хизмати ходимларининг билдиргилари ва улар томонидан расмийлаштирилган баённома, 15-17-даги кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақидаги баённома ва баённоммага илова фотосуратлар, иш.вар 32-35 даги Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 23.10.2019 йилдаги 168-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосаси ва илова қилинган фотожадвал, иш.вар 48 даги наркология экспертизасининг 29.10.2019 йилдаги 175-сонли хулосаси, иш.вар 49-49¹ даги гиёҳвандлик воситаларини рўйхати ва қарори, иш.вар 50-52, 57 даги далилий ашё деб топиш қарори ва гиёҳвандлик воситаларини топширилганлиги ҳақидаги қвитанция ва баённомаси ҳамда ишдаги сўроқ баённомалари ва ишда тўпланган барча далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатига юридик баҳо бериб, тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарорининг 17-бандида, ЖК 246-моддасига мувофиқ, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига

ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) портловчи куролларни, курол-яроғ, уқор курол ёки ўқдориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, ядролуқ, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни (бундан буён матнда контрабанда ашёлари) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш бошқа жиноят-контрабанда таркибини ташкил этишлиги ҳақида тушунтириш берган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини тайинлашда, муқаддам судланмаганлигини, чет эл фуқароси эканлиги инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ жарима жазоси тайинлашни;

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, у томонидан ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг молия ва моддий техник таъминот бўлимига 2019 йил 28 октябрь куни топширилган 6.594.000 сўмни жарима жазосига қаратишни;

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 29.10.2019 йил куни № 0011783-сонли қвитанция билан топширилган 0,38 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни;

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган [REDACTED] га тегишли бўлган малла рангли хамёнини йўқ қилишни;

Суд, судланувчи [REDACTED] и Ўзбекистон Республикасидан депортация қилишни ва унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги сабабли, тегишли белги қўйиш учун Сурхондарё вилоят ИИБ М ва ФРБ бошқармасига ҳукм нусхасини маълумот учун юборишни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 410, 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд, ҳукм қилди;

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб толади.

ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 29,5 (йигирма тўққиз бешдан бир) баравари, яъни 6.594.000 (олти миллион беш юз тўқсон тўрт) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиниб, у томонидан ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг молия ва моддий техник таъминот бўлимига 2019 йил 29 октябрь куни топширилган 6.594.000 сўм жарима жазосига қаратилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 29.10.2019 йил куни № 0011783-сонли қвитанция билан топширилган 0,38 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган тегишли бўлган малла рангли хамёни йўқ қилинсин.

Ўзбекистон Республикасидан депортация қилинсин ва унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги сабабли, тегишли белги қўйиш учун Сурхондарё вилоят ИИБ М ва ФРБ бошқармасига ҳукм нусхаси маълумот учун юборилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:
Аслига тўғри

(имзо)

К.Хидиров